

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
**ФАРМОНИ**



**УКАЗ**  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил “ 27 ” июнь

№ ПФ-5466

“ \_\_\_\_ ” 20 г.

**“Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тұғрисида**

Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг мухим шартидир.

Сўнгги йилларда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш, уларнинг фуқаролик жавобгарлигини ва олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлигини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, жойларда ёшларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллигини оширишга, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга, ёш тадбиркорларнинг истикболли ғоялари ва лойихаларини рўёбга чиқаришга, шунингдек, шу асосда ёшлар бандлигини таъминлашга тўсқинлик килаётган тизимли муаммолар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Хусусан, ёшлар тадбиркорлигини комплекс ривожлантириш ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга фаол жалб қилиш бўйича жойларда мақсадли дастурлар амалга оширилмаяпти ҳамда зарур инфратузилма яратилмаган, бу эса янги иш ўринлари яратишнинг энг мухим шарти хисобланади.

Жойларда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари ёшларнинг тадбиркорлик саводхонлигини оширишга, уларга бизнес ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини сингдиришга хали ҳам бефарқ ва бепарво муносабатда бўлмоқда.

Ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, иш ўринлари яратиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ:

1. Ёшларнинг бизнес ташабbusлари, стартаплари, ғоялари ва лойихаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва кўллаб-куватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юкори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-иктисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастурини Тошкент вилоятининг Қуйичирчик туманида ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида амалга ошириш бошланганлиги маълумот учун кабул қилинсин.

2. 2018 йил 1 июлдан бошлаб республиканинг барча туман (шахар)ларида “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) амалга оширилсин.

Давлат дастури доирасида куйидагилар амалга оширилиши белгилансин:

а) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузурида “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма), шунингдек, унинг туман ва шахар филиалларини ташкил этиш, Жамғарманинг маблағларидан Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш, жумладан куйидагиларни амалга ошириш учун фойдаланиш:

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоялари ва лойихаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали **йиллик 7 фонз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкии лизингга бериш**;

Давлат дастури доирасида олинадиган кредитлар бўйича кредит хажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда **кафиликлар бериш**;

Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган **тадбиркорлик лойихаларида** улар қийматининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда иштирок этиш, кейинчалик Жамғарма улушкини 5 йил давомида реализация килиш;

тегишли кўникмаларга эга, банд бўлмаган ёшлар яшайдиган уй хўжаликлари учун **20 тагача парранда ва қуён боласи, 5 та майда ва 2 та иирик корамол сотиб олиш**, уларнинг қийматини келишилган муддатларда кайтарган холда уларни боқиш ва кейинчалик реализация килишда кўмаклашиш;

б) ёшларнинг қайта тайёрланиши ва малака оширишини ташкил этиш, меҳнат бозорида талаб юкори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, уларга бизнес юритиш кўникмаларини сингдириш;

**в) давлат-хусусий шериклик шартларида:**

ёш тадбиркорларга имтиёзли шартларда бинолар, офис техникиси ва сарфлаш материалларини ижарага бериш, уларни интернет билан таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоялари ва лойихаларини амалга оширишга бошқача кўмак бериш, жумладан бизнес-режалар ишлаб чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтерия ва бошка хизмат турларини кўрсатиш, форумлар, мастер-класслар ва семинарлар ташкил этиш учун “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказларини;

савдо-маиший ва кичик ишлаб чиқариш майдонларини ташкил этиш учун меҳнат кучи ҳаддан зиёд бўлған туманларда “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини куриш.

3. “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини куриш давлат-хусусий шериклигининг куйидаги шартларида амалга оширилиши белгилаб кўйилсин:

**а) туман (шахар)лар хокимликлари:**

“Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини, шунингдек, бошка обьектларни куриш (жойлаштириш) учун хусусий инвесторларга, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри музокаралар орқали ер участка (бўш бино)ларни доимий фойдаланиш хукуки асосида ажратади;

“Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини мухандислик коммуникацияларига, жумладан электр, газ ва сув таъминоти тармокларига олиб боришни ва улашни туман (шахар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан таъминлайди;

б) Жамғарма “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплекслари қурилиши кийматининг 30 фоизигача бўлган кисмини молиялаштиришда мазкур маблағларни уларнинг устав жамғармаси (капитали)га кейинчалик капиталлаштирган ҳолда иштирок этишга ҳакли;

**в) хусусий инвесторлар қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

“Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплекслари қурилиши кийматининг камида 70 фоизини молиялаштириш, уларнинг келишилган муддатларда ва намунавий лойиҳаларга мувофик қурилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминлашни;

Давлат дастури иштирокчиси бўлган ёш тадбиркорларга “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларида жой бериш, уларга мақбул нархларда хизматлар кўрсатиш, шунингдек, уларда иш ўринлари умумий сонининг камида 70 фоизи миқдорида банд бўлмаган ёшларни ишга кабул килиш шарти билан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни;

Жамғарманинг туман ва шахар филиалларини жойлаштириш учун “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказларидағи хоналарни бепул тақдим этишни;

г) “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини сақлаб туриш хусусий инвесторларнинг маблағи ҳисобидан амалга оширилади;

д) “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қуришга йўналтириладиган маблағлар хусусий инвесторларнинг солиқ солинадиган базасидан чегириб ташланади.

Белгилансинки, Давлат дастурининг амал қилиши ёшлар тадбиркорлиги субъектларига, 50 фоиз ва ундан кўпроқ муассислари ёшлардан иборат бўлган тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, яратиладиган иш ўринларининг 70 фоизидан кам бўлмаган кисмини 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш учун тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган тадбиркорлик субъектларига, жумладан хорижий инвесторларга татбик этилади.

4. Қўйидагилар 2018 йилда Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

даромадларнинг прогноз қилинган кисмини ошириб бажариш ҳисобига Республика бюджетидан 2018 йил июлда, 1 октябргача ва 1 декабргача teng улушларда ажратиладиган 500 миллиард сўм миқдоридаги бефараз молиявий ёрдам;

хар чоракда Жамғармага ўтказиладиган, вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган йиллик тушумларнинг I фоизи миқдоридаги ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоки фаолиятини кўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон Фармони 13-бандига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ҳар ойда тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

маҳаллий, хорижий ва ҳалқаро ташкилотларнинг грантлари;

хомийлар – жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вактинча бўш маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

конун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

## 7. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғармага ижро этувчи директор – Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринbosари раҳбарлик қиласи;

Жамғарманинг туман ва шаҳар филиалларига Жамғарманинг ижро этувчи директори томонидан тайинланадиган тегишли туманлар ва шаҳарларнинг муваффакиятга эришган ёш тадбиркорлари раҳбарлик қиласи;

инвестициявий ва ижтимоий комплексларнинг республика ва ҳудудий органлари, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банклари ходимларининг 30 фоизгача бўлган кисми асосий иш жойи бўйича лавозими ва иш ҳаки саклаб колинган ҳолда Жамғармага, унинг туман ва шаҳар филиалларига бириктирилади.

## 8. Куйидагилар:

Ўзбекистон ёшлар иттифоки хузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасининг тузилмаси, шунингдек, Жамғарма туман ва шаҳар филиалларининг намунавий тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

**Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

9. Туманлар ва шаҳарларда ҳокимларнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринbosарлари бошчилигига ҳамда ички ишлар бошқарма (бўлим)лари бошликларининг ёшлар масалалари бўйича ўринbosарлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туманлар ва шаҳарлар кенгашлари раислари, шунингдек, Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази бўлинмалари раҳбарларидан иборат **ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш комиссиялари** (кейинги ўринларда – Комиссиялар) ташкил этилсин.

Куйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар ҳудудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни хоҳлайдиган, банд бўлмаган аҳолини аниқлаш, туман (шаҳар)ларга тавсиф бериш ҳамда улардаги ёшларнинг паспортларини шакллантириш мақсадида уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар ташкил этиш;

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар ҳудудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимларини жалб қилган ҳолда ёшларнинг бизнес ташабbusлари, стартаплари, гоялари ва лойиҳаларини ишлаб чиқишида, зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлашда ҳамда расмийлаштиришда кўмаклашиш;

ёшларнинг бизнес ташабbusлари, стартаплари, гоялари ва лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш учун талабномалар, шунингдек, Давлат дастури доирасидаги бошка мурожаатлар “бир дарча” тамойили бўйича кўриб чикилишини таъминлаш;

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар ҳудудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимларини жалб қилган ҳолда ёшларнинг бизнес ташабbusлари, стартаплари, гоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини олиб бориш, келиб чиккан муаммоларни ҳал қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш масалалари бўйича ёшлар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

**10. “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида республиканинг туман ва шаҳарларида амалга ошириладиган тадбирларни 2018 йилда молиялаштириш нараметрлари 4-иловага мувофик тасдиқлансин.**

Белгилаб кўйилсинки, “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида республиканинг туман ва шаҳарларида амалга ошириладиган тадбирларни кейинги йилларда молиялаштириш параметрлари Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аник манбаларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Давлат дастури доирасида ёшларнинг бизнес ташабbusлари, стартаплари, гоялари ва лойиҳаларини молиялаштиришнинг қўйидаги механизмлари белгилансин:

Жамғарма Давлат дастури доирасида тақдим этиладиган имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга беришни молиялаштириш учун йиллик 5 фоиз ставка бўйича тижорат банкларига молиявий ресурслар ажратади;

имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш 5 йил муддатга 12 ойгача имтиёзли давр билан амалга оширилади;

имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иктисадий фаолият миллий банки, “Ипак йўли” АИТБ, АТ Халқ банки ва “Ҳамкор банк” АТБ орқали амалга оширилади;

ёшларнинг бизнес ташабbusлари, стартаплари, гоялари ва лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан молиялаштирувчи тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқиладиган намунавий бизнес-режалар асосида молиялаштирилади;

ёшларнинг киймати 2 миллиард сўмдан юкори бўлган бизнес ташабbusлари, стартаплари, гоялари ва лойиҳаларини молиялаштириш уларнинг бизнес-режалари Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилгандан сўнг амалга оширилади;

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини реализация килиш учун имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш талабномаларини бирламчи кўриб чикиш ва танлаб олиш комиссиялар томонидан амалга оширилади;

комиссиялар ҳар бир хонадонни уйма-уй юриш, мавжуд инфратузилмани инвентаризация килиш, ёшлар шуғулланиш истагини билдирган меҳнат фаолияти турини таҳлил қилиш, шунингдек, имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш талабномаларини танлаб олиш натижалари бўйича тасдикланадиган параметрлар доирасида тегишли туманлар ва шаҳарларда намунавий бизнес-режалар асосида реализация килинадиган ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларининг манзилли рўйхатини шакллантиради;

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича республика комиссияси келиб тушишига қараб, лекин 2018 йил 1 августдан ва кейинги йилларда 25 декабрдан кечиктирмасдан Давлат дастури доирасида тегишли туманлар ва шаҳарларда реализация килинадиган ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ҳамда лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиклайди. Тасдикланган манзилли рўйхатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш Республика комиссияси билан келишилган ҳолда комиссиялар томонидан амалга оширилади;

тасдикланган манзилли рўйхат имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга беришни молиялаштириш учун тижорат банкларига ҳамда Жамғармага тақдим этилади;

молиялаштирувчи тижорат банклари тақдим этилган манзилли рўйхат асосида имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш ҳакида ўрнатилган тартибда қарор кабул килади. Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш талабномаларини тижорат банклари томонидан кўриб чикиш муддати 3 иш кунидан ошмаслиги лозим;

комиссиялар инвестициявий ва ижтимоий комплекслар ҳудудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимлари билан биргаликда молиявий маблағлардан максадли ва ўз вактида фойдаланилаётганлиги устидан ҳар ойда мониторинг ўтказади, мониторинг давомида ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тўскинлик қилаётган муаммолар ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси молиялаштирувчи тижорат банклари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки хафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда Жамғарма маблағлари хисобидан молиялаштириладиган ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳалари намунавий бизнес-режалари ишлаб чиқилишини таъминласин.

12. Комиссиялар, Жамғарманинг туман ва шаҳар филиаллари ҳамда молиялаштирувчи тижорат банкларига:

ажратиладиган, жумладан маҳсадли фойдаланилмаётган молиявий маблағларни ўз вактида ва тўлик кайтариш чораларини кўриш;

Давлат дастури иштирокчиси томонидан ажратилган молиявий маблағларни, шунингдек, етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаш рад этилган ҳолларда уларни мажбурий ундириш учун судга мурожаат қилиш мажбурияти юклансин.

13. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда куйидагиларни тасдиқловчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

Узбекистон ёшлар иттифоки ҳузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомлар;

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоялари ва лойихаларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар тақдим этиш, жумладан ажратиладиган кредитларнинг чекланган лимитларини аниглаш механизми, шунингдек, Давлат дастури доирасида олинадиган кредитлар бўйича кафилликлар бериш тартиби;

ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиши юзасидан киска муддатли курслар сонини тубдан ошириш ва уларнинг сифатини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар комплекси.

14. Узбекистон ёшлар иттифокига Узбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари билан биргаликда Давлат дастури доирасида объектларни куриш бўйича ҳак тўланадиган ишларга банд бўлмаган ёшларни, жумладан Узбекистон ёшлар иттифокининг ёшлар меҳнат отрядларини ихтиёрий асосда кенг жалб қилиш чораларини қўриш тавсия этилсин.

15. Куйидагилар:

Узбекистон Республикаси Президенти девонининг Ёшлар сиёсати масалалари хизматига – Давлат дастурини амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг мувофиқлаштирилиши учун;

Узбекистон Республикаси Молия вазирлигига – Жамғарма маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ шакллантирилиши учун;

Узбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига – ҳудудий ўзига хосликларни хисобга олган ҳолда “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплекслари лойихаларига қўйиладиган намунавий талабларнинг ишлаб чиқилиши учун;

Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат кўмитасига – Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик муассасаларига бириктирилган ҳудудларга Давлат дастури доирасидаги тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш учун, жумладан республиканинг тегишли туман (шахар)ларига ташрифларни ташкил этган ҳолда, хорижий инвесторларнинг, шунингдек, Жамғарма маблағларини шакллантириш учун халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлар техник кўмак маблағлари ва грантларининг жалб этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига – Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларининг намунавий бизнес-режалари ўз вактида ва сифатли ишлаб чикилиши, шунингдек, уларнинг комиссияга тақдим этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, „Ўзбекэнерго“ АЖ, „Ўзтрансгаз“ АЖ, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимликларига – “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” комплексларига муҳандислик коммуникациялари, жумладан электр, газ ва сув таъминоти тармоқлари олиб келиниши ҳамда уланиши учун;

Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимликларига – “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари, “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қуриш учун ер участкалари ўз вактида ажратилиши, шунингдек, Жамғарма фаолиятини ташкил этишда кўмаклашиш учун масъулият юклансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Бош прокуратура билан биргаликда Жамғарма маблағларининг ўз вактида шакллантирилиши ва максадли сарфланиши устидан катъий назорат ўрнатсин.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бошка оммавий ахборот воситалари билан биргаликда Давлат дастури амалга оширилишининг жараёни кенг ёритилишини ташкил этсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий кенгашининг раиси Қ.Қ. Куранбаев, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.Мирзиёев



Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил “27” июндаги ПФ-5466-сон Фармонига  
1-илова


**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасининг  
тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 14 бирлик.  
Лизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони белгиланган нормативларга мувофиқ ишиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил “27” июнданги ПФ-5466-сони Фармонига  
2-илова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи хузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамгармаси  
туман (шаҳар) филиалларининг  
намунавий тузилмаси**



*Бошкадув ходимларининг умумий чекланган сони – 3,5 бирлик.  
Лизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2018 йил “27” июнданги ПФ-5466-сон Фармонига  
З-илова

**Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича  
республика комиссиясининг  
ТАРКИБИ**

1. А.Арипов – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия раиси
2. Қ.Куранбаев – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий кенгашиning раиси, комиссия раисининг ўринbosари
3. Д.Касимов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини химоя килиш бўйича вакил
4. Д.Ли – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошкаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринbosари
5. С.Сайдкаримов – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринbosари
6. И.Абдурахмонов – Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири
7. П.Бобожонов – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири
8. А.Тухтаев – Ўзбекистон Республикаси курилиш вазири
9. Р.Гулямов – Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
10. С.Бекенов – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари
11. Ш.Отабоев – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринbosари
12. А.Каримов – Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринbosари
13. М.Истамов – Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринbosари
14. А.Икрамов – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси
15. И.Нурметов – Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими
16. А.Мирсаатов – Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисадий фаолият миллий банки бошкаруви раиси

17. А.Абдуллаев – АТ Халқ банки бошқаруви раиси
18. С.Саидахмедов – “Ипак йўли” АИТБ бошқаруви раиси
19. Ж.Хасанов – “Ҳамкор банк” АТБ бошқаруви раиси
20. лавозими бўйича – Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасининг ижро этувчи директори

*Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу лавозимга яни тайинланган ёки тегинили функцияларни бажарни юклатыган шахслар киритилади.*

